



2020 йил «26» февраль № 87-06-187

**Барча олий таълим муассасалари
ректорлари, филиаллар директорлари,
касбий таълимни ривожлантириш ва
мувофиқлаштириш худудий бошқармалари
бошликларига**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан жорий йилнинг 23-29 март кунлари давомида “Global Money Week 2020” халқаро таълим кампаниясини нишонлаш муносабати билан ёшлар орасида видеоролик яратиш бўйича танлов эълон қилинди. Танловда банк хизматлари ва маҳсулотларининг кундалик ҳаётимиздаги ўрни, вазифалари, мазмун-моҳиятини очиб берувчи энг яхши видеоролик аниқланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, танлов тўғрисида таълим муассасалари ўқувчи, талаба-ёшларини ижтимоий тармоқдаги расмий саҳифалар орқали хабардор қилиш ҳамда танлов эълонларини (электрон шаклда илова қилинади) таълим муассасаларининг эълонлар тахтасига жойлаштириш чораларини кўришингизни сўраймиз.

*Кўшимча маълумот учун телефон: (90) 960 58 66 Камила, (97) 320 01 05
Дилнавоз.*

Илова: 1 бетда

Вазир ўринбосари

Ю.Абсоатов



**Марказий банк Global Money Week (Жаҳон пул ҳафталиги) доирасида
ёшлар ўртасида видеороликлар яратиш бўйича танлов тўғрисида
маълумот**

Креатив ва ихтирочи ҳамда ижодий видеоларни суръатга олиш ва яратишга қобилияти ва кизикиши бор талабалар Марказий банкнинг ижодий танловида иштирок этишлари мумкин.

Иштирокчиларнинг вазифаси куйидаги мавзулардан бирида киска видео фильм яратишдан иборат:

- «Банк картаси кулагай тўлов воситаси»
- «Кредит тарихи нима?»

Вideo учун қўйиладиган талаблар:

- Видео танлов мавзуларидан бирига мос келиши керак;
- Видео тили- ўзбек тили / рус тили
- Давомийлиги 1-1,5 дақика
- Формати: AVI, MPEG-4, MP3.

Танлов учун ишлар 2020 йил 16 марта қадар communication@cbu.uz ва konkurs.cbu@gmail.com электрон манзиллари орқали (хат мавзусида «Global Money Week Таанлови» деб кўрсатилиши лозим) ёки шахсан флешка (диск)да тақдим этган холда кабул қилинади.

Танлов икки босқичда икки номинация бўйича ўтказилади:

1.Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир мавзу бўйича учта энг яхши ишни аниклади.

2.Ҳар бир номинация бўйича энг яхши учта видеолавҳа 2020 йил 18 март куни ижтимоий тармокларга очиқ овоз бериш ва ғолибни аниклаш учун жойлаштирилади.

Танлов натижалари 2020 йилнинг 23 марта Марказий банкда Жаҳон пул ҳафталигининг очилиш маросими доирасида эълон қилинади.

Танлов ғолиблари Марказий банкнинг қимматбаҳо совринларига эга бўладилар:

- 1-ўрин – ноутбук HP Pavilion
- 2 ўрин – телефон Samsung S10
- 3 ўрин – Марказий банкдан эсдалик совғаси